

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАНГА ПУЛЛАР МУОМАЛАСИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими: Хусаинова Мухаббат*

Кишилиқ тарихида кўп асрлар давомида иқтисодий муносабатлар воситаси ролини бажарган танга пулнинг ўрни бўлакча. Милоддан олдинги минг йиллик бошларида илк бор Ўрта ер денгизи қирғоқларида яратилган танга яшаш техникаси Эрон, Ҳиндистон, Хитойда, кейинчалиқ Марказий Осиёда ҳам тарқалди.



Қадимги Турон — Туркистон, шу жумладан, бугунги Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ёритишда танга пулларнинг ўзига хос ўрни бор. Кўплаб археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон — Марказий Осиё тарихида нафақат илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналари вужудга келган худудлардан бири, балки минтақадаги милоддан аввалги минг йилликнинг IV-III асрларида дастлабки маҳаллий танга пуллар зарб қилина бошланган минтақадир. Товар айирбошлашнинг энг қулай воситаси бўлмиш танга зарб қилиш анъанаси Туронда икки минг йиллик ўтмишга эга. Турли қимматбаҳо металллар — мис, кумуш ва олтиндан танга яшаш ишлари илк бор милоддан аввалги III-II асрларда Бактрияда, кейинчалиқ Кушонлар салтанати (мил. I-III асрлар) даврида, милод бошларидан Сўғд ва Хоразмда, IV асрларда эса Чоч воҳасида йўлга қўйилади. Илк ўрта асрларда бирин-кетин Фарғона, Уструшона, Ўтрор ва Етгисувдаги сулолалар ўз тангаларини чиқара бошлайдилар. Бу давр тангаларининг аксарияти сўғдий ёзувда, бошқалари қадимги хоразм, бохтар, пахлавий (ўрта форс) ва қадимги турк-рун ёзувидадир. Тангаларни тарихий манба сифатида ўрганишнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, туронлик ҳукмдорлар исми ва унвонларининг хитой, юнон, арабфорс ва бошқа тиллардаги ёзма манбаларда учраб, ушбу тилларга мослаштириб юборилган ва асли қандай бўлгани тушунарсиз бўлиб қолган маҳаллий шаклини танга ёзувларига таяниб тиклаш имконияти бўлса,

иккинчидан, тангалардаги ёзув, тасвир ва турли белгилар орқали ўша давр маданияти бўйича муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Илк ўрта асрларда минтақа халқлари давлатчилигида юз берган туб ўзгаришлар пул муносабатларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу даврда кучли салтанатларга асос солган эфталийлар (420-565), Турк ҳоқонлиги (552-744) билан бир вақтда Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Сўғд, Бухоро, Тохаристон, Хоразм, Марв сингари воҳалар ҳукмдорлари ҳам ўз тангаларини зарб қилган. Асосан мис, қисман кумушдан ясалган тангаларда кўпинча уларнинг айнан қайси ҳокимликка тегишли эканини билдирувчи жой номи, бошқарувчисининг исми ва унвони билан бирга ҳокимият ва давлатчилик анъаналарини акс эттирувчи белгилар — тамға, ўқ-ёй, илоҳий тимсоллар, тахт тасвирлари бор. Турон тангалари бўйича XX-XXI аср бошларигача амалга оширилган изланишларда анчагина илмий ютуқлар қўлга киритилган. Шу билан бирга, кўплаб танга ёзувлари ўнлаб йиллар давомида ўқилмасдан қолгани ёки уларнинг қайси ҳукмдорликка тегишлилиги масаласи ечилмасдан келганини ҳам айтиб ўтиш керак. Шунингдек, айрим тангалар бўйича нотўғри талқинлар билдирилиб, мамлакатимиз тарихининг айрим даврларига нисбатан асоссиз тушунчалар келиб чиққанини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Илк ўрта асрлар тангаларининг тарихий манба сифатида ўрганилиши давомида кўплаб ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, бир қатор муаммолар ҳам бор. Айрим тадқиқотларни истисно қилсак, бу соҳа дунё, хусусан, Ғарб тарихшунослигида ўз ўрнини етарлича топгани йўқ. Минтақамизнинг исломдан олдинги тарихи бўйича Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Францияда ўнлаб йирик мутахассислар етишиб чиққанига қарамай, уларнинг ишларида тангашунослик бўйича илмий янгиликлар ўз ифодасини деярли топмаган. Ҳолбуки, Туроннинг жанубий ҳудудлари ва унга туташ тарихий ўлкалар — Шимолий Афғонистон, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонда илк ўрта асрларда зарб қилинган бохтарий, пахлавий (ўрта форс) ва қадимги ҳиндча ёзувли хионий (хун), эфталий сулоласига тегишли юзлаб тангалар топилган. XX аср илк чорагида уларни ўрганишга кенг кўламда киришилиши натижасида юзлаб мақола ва ўнлаб асарлар ёзилган. Бироқ минтақанинг сўғдий, хоразмий ва қадимги турк-рун ёзувли тангалари ўрганилиши борасида бундай дейиш қийин. Тўғри, мустақилликдан олдин бундай тангаларни тўғридан-тўғри ўрганиш имконияти бўлмаган, шу боис ҳам дунё тангашунослари бу масалада эътиборни жанубий ҳудудларга қаратган бўлишлари мумкин. Аммо бугунги кунга келиб аҳвол ўзгарди, чет эллик тадқиқотчиларнинг юртимизга келиб, илмий адабиётлар ва музейлардаги тангалар билан тўғридан-тўғри танишиш баробарида археология қазишмаларида қатнашишлари учун йўл очилди. Мустақиллик йилларида ўзбек тангашунослиги ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Қарийб йигирма йиллик изланишлар натижасида Турк ҳоқонлигининг

мамлакатимиз ва жаҳон тангашуносилиги хабардор бўлмаган бир неча ўнлаб турдаги тангалари аниқланиб, илмий муомалага киритилди. Бугунги кунда асосан Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги исломдан олдинги даврларга тегишли шаҳарлар қолдиқларидан топилаётган юзлаб тангалар синчиклаб ўрганилганда, уларнинг ҳоқон, хотун, ҳоқон, тегин, тутуқ, тархон каби ўнлаб туркий унвонлар билан зарб этилгани аниқланди. Ушбу тангаларнинг сезиларли қисми тўғридан-тўғри ҳоқонлик, бир қисми эса ҳоқонлик билан алоқадор сулолалар томонидан зарб этилган. Жумладан, VI-VIII асрларда Чоч (Тошкент) воҳасида зарб этилган мис тангаларнинг каттагина қисми ғарбий ашиналий ҳоқонларга тегишли бўлиб, олд томонида қадимги туркларга хос қиёфадаги ҳукмдор тасвири ва тескари томонида сўғдий ёзувда жабғу, жабғу ҳоқон каби унвон ва васфлар, ҳукмдорларнинг Тарду ҳоқон, Елби Ишбара жабғу ҳоқон, Илоҳий Тун жабғу ҳоқон сингари исмлари ва ҳоқонликнинг этносиёсий номи сифатида Турк ҳоқон ибораси учраши уларнинг айнан ҳоқонликка тегишли тангалар бўлганидан дарак беради. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Турк ҳоқон унвони билан зарб этилган тангалар ўзига хос жиҳатлари билан бошқаларидан бирмунча ажралиб туради. Биринчидан, улар Чочнинг кўпинча 2 см. ўлчамли бўлган бошқа тангаларидан йирик экани (4 см.) ҳукмдор тасвирининг устомонлик билан чизилгани, салмоғи ҳам анча оғирлиги (4 гр.) билан диққатни тортади. Иккинчи томондан, барча туркий элларни бирлаштирувчи ном бўлган турк этноними — элат номи ёзма ёдгорликлар орасида илк бор тангаларда учрайди. Бунгача ушбу атама айнан шу кўринишда милодий VIII асрнинг илк ўн йилликларига тегишли Ўрхун-Энасой битиктошлари ва VII аср ўрталарида яратилган хитой йилномаларида учраб, унинг кўплаб тиллардаги ёзма манбаларда кенг ўрин ола бошлаши ўрта асрларга тўғри келар эди. Демак, айтиб ўтилган Чоч тангаси VI асрнинг сўнгги ўн йилликларига тўғри келиши эса турк этноними қадимиятини яна бир-икки асрга узайтиради. Яқин йилларда аниқланиб, илмий муомалага киритилган тангалар қаторига VI-VIII асрларда Самарқандда зарб қилдирилган Турон ҳукмдори унвонли тангаларни ҳам киритиш мумкин. Ўнг томонида қадимги туркларга хос узун сочли ҳукмдор тасвири, тескари томонида эса исломдан олдинги Самарқанд ҳукмдорларига тегишли тамға ва ёзув ўрин олган ушбу тангаларнинг илк нусхалари аллақачон топилиб, илм аҳлига танитилган бўлса-да, улардаги сўғдий ёзув турлича ўқилган ва бу тангаларнинг ҳоқонлик билан боғлиқлиги тўғрисида бир оғиз сўз айтилмаган эди. Ушбу танга ёзувларида Турон атамаси учраши юртимиз номининг ўша чоғлардаёқ Турон — Туркистон деб аталганини яна бир бор тасдиқламоқда. Эндиликда “Турон ва Туркистон атамалари ўзаро боғлиқ эмас”, деб жар солиб келган айрим хорижлик изланувчиларнинг ўй-хаёллари чиппақка чиқди, дея оламиз. Демак, бундан минг йил олдин буюк ота-боболаримиз Абу

Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Юсуф Хос Ҳожиб ёзиб қолдирган Турон — турклар юрти, Маздурон асли Марзи Турон, турк ўлкаларининг чегараси демакдир” мазмунидаги маълумотлар ушбу тангалар орқали ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистон нумизматикасида қўлга киритилган ютуқлардан яна бири мустақиллик йилларига тўғри келиб, қарийб бир асрдан бери ёзувлари тўлиқ ўқилмасдан, қайси сулолага оидлиги аниқланмай келаётган Чоч тангаларидан сезиларли бир қисмининг Чоч тегинлари сулоласи (605-750-й.й.) томонидан зарб қилинганининг аниқланиши бўлди. Ушбу тангаларда ўнг томонида қадимги туркларга хос узун сочли, думалоқ юзли, бироз қисик кўзли ҳукмдор тасвири, тескари томонида сулолавий тамға ва унинг теграсида “Чоч ҳукмдори тегиннинг пули” жумласи ўрин олган. Тангашунослигимизда ютуқлар билан бирга қатор муаммолар ҳам бор. Биринчидан, бу соҳада изланишлар олиб боровчи ёш мутахассислар анча камчиликни ташкил этса, иккинчи томондан, жаҳон тангашуносларининг бу соҳага жиддий эътибор бермаслигидир. Мисол учун, бугунги кунда юзлаб нусхалари топилаётган хоразм тангалари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар деярли йўқ. Шунингдек, осори-атиқа тўпловчилар томонидан турли йўللار билан йиғилаётган тангаларнинг кўпи чет эллик тўпловчилар қўлига бориб тушаётгани уларни тарихимизнинг қимматли ва зарур манбаси сифатида ўрганиш имкониятини қийинлаштиряпти. Тангалардан ўрин олган ҳар бир ёзув, тасвир, белги ва бошқалар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий турмуши — тарихий воқеликлар билан чамбарчас боғлиқ. Янги тангалар топилиши ва улардаги ёзувнинг тўлақонли ўқиб чиқилиши эса шу пайтгача қоронғу бўлиб қолаётган масала ва мавзуларни ёритишга хизмат қилиши керак. Бироқ мамлакатимиз ўтмиши билан шуғулланаётган изланувчиларнинг кўпчилиги тангашунослар томонидан қўлга киритилаётган илмий янгиликлардан етарлича хабардор эмас ёки улардан манба сифатида фойдаланишга унчалик ошиқмайди. Бу ҳолат илк ўрта асрлар тарихи, хусусан, эфталий ва ашиналийлар тарихига доир, шунингдек, Чоч, Фарғона, Сўғд, Тохаристон ва шунга ўхшаш воҳалар ҳукмдорликлари тарихи бўйича изланишлар олиб бораётган кўпчилик тадқиқотчиларнинг ишларида кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Ўзб 1 п Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак” Тошкент 1998йил
2. Ўзб 1 п Каримов И.А. “Юксак маънавият энгилмас куч” Ташкент 2008 йил
3. Элизаветин. Г. “Пулнома” Тошкент 1979 йил
4. Пиддаев. Ш. “Тангалар давр кўзгуси” Тошкент 1984йил